



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 декабрь, пайшанба, 1995 йил Сوتувда эркин нархда. № 236 (1238)

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) тасвирга олган.

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатлари Савдо вазирлиги котиби ўринбосари Бэрри Картер раҳбарлигидаги шу мамлакат расмий делегацияси аъзоларини қабул қилди.

АҚШнинг мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича 16 йриқ компанияси вакиллари билан иборат ушбу делегация мамлакатимизнинг бизнес имкониятларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Президент Ислам Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қўлаб, ушбу йриқ делегациянинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни

МАЪНАВИЯТ — ДАВЛАТИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ

Одамларимиз, жамиятимиз мафкура-сида ватан, юрт ҳақида устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, адолатли жамият барпо этиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширишнинг катта аҳамиятига эътибор қилинмоқда. Иқтисодий ислохотларни ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнини олиб бораётган даврда ҳуқуқий ҳаётдан ҳар томонлама ўрганиб, ундан сўнг ҳаётга таъбиқ қилиш натижасида мамлакатимизда умумий фуқаролик ва умумий миллий ҳамжиҳатликка эришиш керак.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

6 декабрь куни Тошкентда халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатлари вазирликлари, компаниялари ва фирмалари намоёнлари делегацияси, республикамиз вазирликлари, ишоралари, уюшмалари раҳбарлари, савдо-саноат доиралари вакиллари иштирок этди.

ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ УЧУН

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Азия вазирлиги ходимларининг мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарь вилоят кенгашлири сессияларида сузлаган нутқларидан кейин чиққан вазифаларга бағишланган кўшма мажлис бўлиди. Унда турмушнинг барча соҳаларида қонун устиворлигини таъминлаш, жинойatchиликнинг олдини олиш, меҳнатқиллар ўртасида ҳуқуқий белимларни кенг тартибда тарғиб этишни яхшилаш чорлиқлари белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУИДА ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанга чекиз меҳр, ватан ҳимоясини муқаддас бурч дея англамоқ, тақдир ҳижронга дучор этганда ватан соғинчида куйиш, ватан учун жон бағишлаш халқимизнинг қониди, наслида бор. Юз йиллар, минг йиллар мобайнида шакланган, миллатимиз кўрки бўлмиш бу эзгу фазилатлар бутун — истиқлол даврида янгича мазмун ва аҳамият касб этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУИДА ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

- И. Х. ЖЎРАБЕКОВ — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмитаси раиси
Х. Р. ЖЎРАЕВ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари (келишув бўйича)
С. С. САЙДҚОСИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУИДА ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

- Т. ҒОҒУРБЕКОВ — Санъатшунослик институти директори, раис
Д. ОМОНУЛЛАЕВА — бастакор, раис ўринбосари
А. ЖЎРАЕВ — журналист, котиб
А. ИСМОИЛОВ — бастакор
А. КЎЧИМОВ — «Ўздавтелерадио» компанияси раисининг ўринбосари
Ф. МАМАДАЛИЕВ — халқ ҳофиз, профессор
А. НАЗАРОВ — бастакор
Х. СУЛТОНОВ — ёзувчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУИДА ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Танлов Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгандан буён истиқлол, ватан мавзусида яратилган ҳар томонлама бадиий етук кўшиқларини сиралаш, янгиларини яратиш, ижодкорларни янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантириш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» МАВЗУИДА ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН БЕРИЛАДИغان МУКОҒФЛАР:

Table with 4 columns: Mukofotlar, soni, miqdori, Mukofotlar, soni, miqdori. Lists prizes for 1st, 2nd, 3rd, and 4th places.





